



ИШОНЧ

2006 йил 2 январь душанба иш кунини 2005 йил 31 декабрь шанба кунига кўчириш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида: 2006 йил 2 январь душанба иш кунини 2005 йил 31 декабрь шанба кунига кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 декабрь

МЕҲНАТНИНГ ТАГИ РОҲАТ

Навоний номли ширкат ҳўжалиги Чортоқ туманидагина эмас, Наманган вилоятидаги иқтисодий бақувват ҳўжалиқлардан ҳисобланади. Бу нарсани кишлоқлар тобора ободонлашиб, аҳоли турмуш фаровонлиги ортиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Бугунги кунда аҳолининг асосий қисми тоза ичимлик суви ва табиий газдан фойдаланмоқда. Кишлоқларда бир-биридан мухташам иморатлар қад ростламоқда.

Шу йил пилла тайёрлаш режаси 110 фоизга адо этилди. Яъни 30,5 тонна қимматбаҳо саноат хом-ашёси етказиб берилди. Ҳар қутн қурт уруғидан 60 килограммдан ҳосил кўтарилди. Ғалла ҳосилдорлиги гектарига 63 центнерни ташкил этди. Жами 2050 тонна дон сотилиб, режа 109 фоизга етказилди.

Айниқса, пахтачилик техникаси тадбирлари из-бўйича эришилган натижалар қувончи бўлди. Ҳосилдорлик жиҳатидан вилоят аҳолисида энг юқори кўрсаткич қўлга киритилди. Тупроқ таркиби мураккаб, кўпчилик майдонлар сугориш қийин бўлган адирлиқлар ён бағ-

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

рида жойлашганлиги қарамасдан ҳар гектар ер ҳосилдорлиги салкам 36 центнерга тўғри келди. Анваржон Парпиев, Умаржон Дадабоев, Зокиржон Маҳамов, Моҳидил Муродовлар бошқиб бош пудратда ҳосилдорлик 45 центнерни ташкил этди.

Қачонки, хизмат тақозоси билан туманга йўлим тушганда бирров бўлса, ушбу ҳўжаликка ўтиш ҳаракат қиламан. Лекин раис Турдали Жумабоевнинг топиш қийин кечади. Чўнки у ҳўжалиқнинг қайси-қандайдир бурчагидаги пайкалда юрган бўлади. Киприқлари ва сочлари чағ қўнган, бошидаги шляпаси тердан оқариб кетган, юзлари дала офтобиде қорайган раҳбар ҳўжалиқ пахтадан, ғўзанин-ҳолатидан кўнгли тўлмаётганидан гапиради.

Зеро, камтарин ва меҳнаткаш кишилар ўш ишларига танқидий нуқтаи-назардан қарайдилар. Бугунги кунда ҳўжалиқнинг вилоятда илгорлигини эғалла-ётганлиги босиниси Т. Жумабоевнинг талабчанлиги самараси, деб тушунаман.

Шу боис вилоят миқёсидаги йиғилишларда — хоҳ у пахтачиликка, ғаллачилик, пиллачилик ва чорвачиликка бағишланган бўлмасин, Навоний номли ҳўжалик тилга олиниб ижобий фикрлар айтилади.

Утган ёз урталарида борганимда, бирга дала айланарканмиз, фарзанди камолотидан кўнгли тўлган ота сингари пайкалларга тикилиб:

— Бу йил насиб этса, сентябр ойидан кечтирмасдан йиллик топшириқни бажарамиз, — деганди.


Дарҳақиқат, топшириқ 27 иш кунда адо этилди. Этиштирилган ҳосил тўлалигича биринчи нава со-тилади. Пахтачиликнинг ўзидан 787 миллион сўм даромад олинди. Ҳосилнинг 550 тоннаси уруғликка сотилганлиги қўшимча равишда 35,8 миллион сўм даромад келтирди.

Албатта, қўлга киритилган ютуқларда ғўза агро-ҳўжалик ширхонасидаги-гиларнинг маълум қилишларича, 2005 йилда олинган умумий даромад 1,5 миллиард, соф фойда эса 250 миллион сўмга етди. Рентабеллик даражаси 20 фоизга кўтарилди.

Бу дегани, ҳўжалик аъзоларининг турмуш фаровонлиги янада ортади, кишлоқлар ободонлашади. Янги иморатлар қад кўтарилди, қатор-қатор тўйлар ўтказилади. Кўксалар ва ногиронларни, кам таъминланган оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўпроқ қўлаб-қувватлаш имкониятига эга бўлилади.

Шу кўнларда ҳўжалик кишлоқларда тўй-томошаси бўлаётганлиги кўтган. Янги кўнларда ишлаб чиқариш илгорлари ва оксоколларни чақириб, улук томошаси ташкил этиш мўлжалланмоқда.

П. ХУДОЙБЕРДИЕВ, Суд департаментининг Навоний вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи вази фасини бажаруғиниси



«КЕЛАЖАК ОВОЗИ»: ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида «Келажак овози» республика ёшлар кўрик-танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси вазили кенгаши раиси Г.Каримова одатда истеъдодли ёшлар фаолиятининг дастлабки босқичида ўз интилиши ва иқтидорини намойён этишда алоҳида эътибор ва кўмакка эҳтиёж сезилиши таъкидлади. Уларнинг қобилиятини ўз вақтида аниқлаш ва ижодини рағбатлантириш, истеъдодини намойён этишда кўмаклаштириш жамиятнинг турли жаҳаларини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. «Келажак овози» танловини ўтказишдан мақсад ҳам ана шундай эзгу ишга ҳисса қўшишдан иборат эди.

Чинакам ёшлик, гўзаллик, бунёдкорлик ва нафосат байрамига айланган кўрик-танлов бадий, тасвирий, музикий ижод, амалий санъат, ижтимоий соҳа, меъморчилик, ахборот технологиялари сингари йўналишлар бўйича кўплаб янги истеъдодларни кашф этди. Мамлакатимиз ёшлари орасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, илм ва ижод-

га иштиёқманд йигит-қизларга устозлар маслаҳатларидан баҳраманд бўлиш имконини берди. Олти йўналиш бўйича ўтказилган танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичида 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган уч минг нафардан зиёд умумтаълим муассасалари, коллеж ва лицейлар ўқувчилари, олий ўқув юртлири талабалари ҳамда ёш мутахассислар иштирок этди. Улардан 260 нафари республика саралаш босқичига йўланма олди.


Таниқли жамоат, фан, маданият ва санъат намояндалари, етуқ олимлар ва малакали мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати танловнинг республика саралаш босқичига етиб келган ёшларнинг ижодий ишларини синчиқлаб ўрганиб чиқди. Пойтахтимиздаги тегишли олий ўқув юртлири ҳамда ижодий муассасаларда улар билан мулоқотлар уюштирилди. Танлов катнашчиларининг ҳакамлар ҳайъати олдидаги чиқишлари ва ижодий лойиҳаларини жамоатчилик учун тақдимоти ўтказилди. Ана шундай босқичлардан муваффақия-

ятли ўтган қирқ нафар йигит-қиз танловнинг республика босқичида ғолиб бўлди.

Улардан бири меъморчилик ва дизайн номинацияси бўйича совриндор - Гулистон давлат универ-

Биз, ёшлар бундай эътибор ва ғам-хўрликка доим муносиб бўлишимиз лозим.

Мен устозларим билан маслаҳатлашиб, танловга ўзим яратган қирққа яқин миллий либос лойи-



ситети талабаси Хуршида Карим-зонова.

— Маъқур танлов давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларнинг порлоқ келажagini таъминлаш йўлида нечоғли улкан ишлар амалга оширилганлигини яна бир бор намойён этди, — дейди Хуршида. —

хасини тақдим этгандим. Улар атлас, адрес, банорас каби миллий матолардан тикилган. Мана, орзу-умидларини ушала бошлади — улар юқори баҳо олди. Келажакда ўзбек миллий либослари дизайнини янада тақомиллаштириб, жаҳон бўйлаб намойиш этиш йўлида изланиш ниятидаман. «Келажак ово-

Б. ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири

ТОҒЛИ АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Янги йил байрами арафасида Сурхондарё вилоятининг Кўхтанг тоғи этақларида жойлашган Ўнлаб кишлоқлар аҳолиси учун қатна қулайлик яратилди. Шеробод-Оқтош йўлининг Гумдахна қисмида қатна кўприк қурилиб фойдаланишга топширилди.

Сурхондарё ва қашқадарёлик қурувчилар, маҳаллий йўлсозлар томонидан қисқа вақтда барпо этилган 66 метрлик мустаҳкам кўприк қурилиши тоғликларни беҳад мамнун қилди. Улар қиш ва баҳор ойларидаги ёнингарчилик тўғрисида йўлсоз чакирим масофани айланиб ўтиш таъшиидан халос бўлдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

27 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг аъзоси А.Бобомуродов «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар савол-жавоблар ва маъқур ҳужжат муокаамаси чоғида унинг концепцияси юзасидан қатор тақлифлар киритдилар. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг аъзоси А.Шумуродов «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда «Ахборот эркинлиги принциплари ва қабул қилинган тақлифлар ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг раиси И.Насриев «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштиришнинг ҳамда уларнинг молиявий жавабгарлиги либераллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Мухокама чоғида маъқур ҳужжатни янада тақомиллаштириш юзасидан киритилган тақлифлар ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилдилар.

(ЎЗА)

Ҳақиқий фермер — ернинг ҳақиқий эгаси

Абдумалик бундан беш йил аввал фермер ҳўжалиги ташкил этиб, унга «Соҳибкор» дея ном берди. Шунда баъзилар «боғдорчиликнинг пахта ва ғаллага нима

япти. Жорий йилда ғалладан 4,5 миллион, пахтадан 22 миллион сўм фойда олишга эришилди. Соф даромад эса 7 миллион сўмни ташкил этди.

ҚУВОНЧЛИ ОНЛАР ШУКУҲИ

дахли бор экан» дея ажабланишганди ҳам. Қувалик йигит бўлса, шаштидан қайтмади.

Вақт ҳақам, деганларидек, ўтган йиллар унинг тўғри йўл тутганлигини яна бир бор исбот этди. Чўл қўйида мўъжазгина боғ яратиш Абдумаликнинг асосий орузиси эди. Ҳалол ва самарали меҳнатлари тўғрисида орузлари ушалди. 1,5 гектардаги боғ жорий йилда шигил ҳосилга кирди. Яна бир гектар майдонда анорзор барпо этилди. Очқ зовурлар ёнида 6 минг туп теракзор бунёд қилинди.

Чўл шароитида тераклар тупроқни шомол эрозиясидан сақла-са, яна бир жиҳати вояга етгани қурилишга ярайди, соясида кўплар баҳраманд бўлишади.

Фермер ҳўжалиқининг асосий экинни — пахта ва ғалладан ҳам йил сайин мўмай даромад олина-

Даромадга қараб буромад, деганларидек, «Соҳибкор»нинг доимий аъзолари бўлган 8 оиланин ижтимоий-иқтисодий аҳволи яхшиланаётган бўлса, даромаднинг яна бир қисми меҳр-мурувват ва ҳомийлик учун сарфланмоқда.

Кам таъминланган олти оила «Соҳибкор» мурувватидан баҳраманд бўлаётди. Доимий оталиқдаги 12-мактабга 200 минг сўмлик спорт жиҳозлари билан бирга «Битирувчилик боғи»га 500 туп турли хил кўчталар етказиб берилди.

— 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган жамоамиз аъзоларини гоёт қувонтириб юборди, — дейди фермер А.Холбоев. — Шу боис келгуси йилда меҳр-мурувват кўламини янада кенгайтириш ниятидаммиз.

«Шўхрат» медали соҳиби, Сар-



доба туман агросаноат ходимлари касабга уюшма кенгаши аъзоси А.Холбоевнинг келгуси режалари улкан. Далада етиштирилган мевалардан ҳамқишлоқларини кишин-ёзин баҳраманд қилиш мақсадида кичик қорхона бунёд этмоқчи. Бунинг учун зарур ҳужжатлар тайёрланапти.

А. АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири

Тахририятимизга «Халқаро Ш.Рашидов жамғармаси» Хоразм вилояти бўлими бошлиғи Р.Хўжаев номида Навоний шаҳридаги «Лочин-Ботир» кичик қорхонасидан қарз ундириш тўғрисидаги суд ижроси таъминланмаётганлиги тўғрисида шикоят аризаси тушганди.

Аниқлик киритиш мақсадида хат юзасидан текшириш ўтказини сураб Навоний вилоят суд департаментининг ҳудудий бўлимига мурожаат этгандик. Яқинда ушбу ташкилотдан қўйдаги мазмунда жаваб олдик. Жумладан, унда шундай дейилади:

Навоний вилоят ҳўжалик судининг 2005 йил 8 июлдаги ижро ҳўжжатиға асосан қарздор «Лочин-Ботир» қорхонасидан Хоразм вилоят Ш.Рашидов жамғармаси

рий ижро ҳаракатларини амалга оширган.

Қарздорга тегишли мол-мулкларни аниқлаш мақсадида давлат органларидан

далолатнома расмийлаштирилган. Шунга қарамай, суд ижроси ижронини белгиланган муддатда таъминламаганли-

сўров хатлари олинган, лекин хатларда қарздорнинг мол-мулки борлиги қайд этилмаган. Шунингдек, суд ижросини қарздорнинг ижро ҳўжжатида қўрсатилган манзилга борганида, ушбу хоннадон фуқаро С.Чулиевага тегишли эканлиги ва бугунги кунда қарз авазига ғаровга қўйилганлиги аниқланган. Бу тўғрида тегишли

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳўжжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддаси 4-бандига асосан, агар қарздорнинг ундируви қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаса ва

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳўжжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддаси 4-бандига асосан, агар қарздорнинг ундируви қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаса ва

дан суд ижросини томонидан қонунда йўл қўйилмаган доирада қўрилган барча чоралар натижасиз бўлса, ижро ҳўжжати ундирувчиға қайтарилиши белгиланган.

Шу боис, ижро ҳўжжатини юқоридаги Қонуннинг 27-моддаси талаби бўйича белгиланган муддатда, қарздорнинг бошқа ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-

«Ишонч»га жавоб берадилар

нинг мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасида, суд қарорига асосан қарзни тўлашдан бош тортиб юрганлиги учун «Лочин-Ботир» қорхонаси раҳбарига нисбатан тегишли жиноий жазо чораси қўришлик учун давлоғар ариза билан ҳўжалик судига ёки прокуратурага мурожаат қилиши мумкин.

П. ХУДОЙБЕРДИЕВ, Суд департаментининг Навоний вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи вази фасини бажаруғиниси



Касаба уюшмалари бугун

орқали 676 нафар пенсионер, ногирон шу жумладан, ишлаётган пенсионерлар бепул соғломлаштирилди. Бундан ташқари, олий ўқув юртлири қошидаги профилакторийларда 986 нафар ходим ва 4025 нафар талаба касаба уюшма йўлнамаси билан имтиёзли равишда соғлиқларини тиклашди. Мактаблар ва касб-хунар коллежлари қошидаги ёғи оромгоҳларда 31213 нафар, шаҳардан ташқари оромгоҳларда 16.630 нафар ўқувчи соғломлаштирилди. Шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасидан 323 нафар, Хоразмдан 247 нафар кам таъминланган, боқувчи-

Жамоа келишуви ва шартномалари орқали кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, байналмилалчи жангчиларга тиббий хизмат кўрсатиш, уларни қисман дори-дармон билан таъминлаш, ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш каби масалалар ижроси учун муассасалар ҳисобидан 126,4 миллион сўм, касаба уюшмалари маблағидан 38,1 миллион сўм сарфланди. Меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги 17752 та тадбирга иш бевуричи ҳисобидан 6,5 миллард сўм сарфланди. Пленумда амалга оширилган ана шундай эзгу ишлар қайд қилиниб, йўл қўйилган камчилик ва муаммолар атрофида таҳлил этилди. Уларни бартараф этиш юзасидан қарор қабул қилинди. Бун-

ГУРУМСАРОЙ КЕРАМИКАСИ

Тошкент метросига, Бухоро ва Самарқанднинг қайта тикланган ва жило берилган қадимий ёдгорлик иморатларига, саҳро ўртасида соч ёйган маликадек қад ростилаган Навоий шаҳрига йўлингиз тушганда иморатлар пештоқларида офтоб ёки электр чироклари ёғдусида жилоланиб турган безакларга кўзингиз ташлади. Бундай осори-атиқаларни кўрган хорижлик меҳмонлар дарров тўхтаб қолишди, фотоаппаратлар ишга ташлади. Ахир бу сингари безаклар ҳар ерда учрайвермайди-да.

Бундай керамика фақат Фарғона водийсининг Гурумсарой деган қишлоғидагина тайёрланади. У АҚШ, Япония, Франция, Италия, Хиндистон, Польша, Венгрия, Олмония каби йиғирмага яқин давлатларнинг кўргазмаларида намойиш этилган. Шунингдек, Ўзбекистон керамикасининг энг яхши намунаси сифатида Италия музейи экспозициясига кирган.

Зеро, Гурумсарой азалдан қуллолар юрти. Бу ернинг тупроғи ва унинг таркибига хос хусусиятларни бошқа бирон ерда учратиш қийин. Олов тафтигайм, ишлов беришга ям чидамли.

«Менинг дадам Рақат Фарғона водийсининг товоқчи аслида ўзлари машҳур қулло сифатида танилган Уста Кўки, Усмон Диёр, Тўхта бугулар авлодларидан. Уларнинг таърифи доғон оғиби, бир томони Тошкент-у Бўка, иккинчи тарафи Андижон-у Марғилон ва Самарқанд-у Бухорога етиб борган. Шунга қарамадан дадам Уста Кенжага шоғирдикка бердилар. Шу тариқа унинг қўлида ўн тўққиз йил шоғирд сифатида юрдим, чизган чизғидан чиқмадим» дея хикоя қилиб берган эдилар. Шунингдек, мен ундан қурувчилар тилида «Гу-

ди. Ана шу жараёнлардан сўнг буюқ ўз-ўзидан табиий мовий ранг ҳосил қилиб, ташқи таъсир ўз ҳукмини ўтказмайди, гоёт чидамли, ёрқин ва қарасангиз нигоҳингизга роҳат бахш этакдиган ҳолатга келади.

Қишлоқдаги 16-мактаб ўқитувчиси Ваҳобжон Буваев болаларга дарс бериш билан бир вақтда ушбу билим масканида ва унга ёндош мактабгимназияда алоҳида тўғра очиб, болаларга шу соҳа сирларини ўргатиш билан машғул экан.

Ешилгимдан қулоччиликка қизиққан. Мақсуудли қуллога шоғирд тушиб, олти йил у кишининг қўлларида хунар ўргандим, — дейди В.Буваев. — Сўнг Наманган Давлат педагогика институти (ҳозирги Наманган Давлат университети)нинг бадиий графика факультети амалий санъат бўлимига ўқишга кирдим. У ерда устозим Ботировдан рағ-

Нуқтаи назар

«Гурумсарой керамикаси» дея ном олган бинокорлик ашёсининг ўзига хос жиҳатларини сўраганман. Бу ашёнинг биринчи белгиси мовий осмон рангидаги ишкорли қулоччилик маҳсулотидир. Ўзининг жазирама қўшида, кишининг қор-ёмғирли, рутубатли кунларида, чанг-тўзонли шамолларда ҳам рангини ўзгартирмайди. Ташқи таъсирга ва йиллар тўзониға чидамли ашё, дея жавоб қайтарган эдилар. Яна таъкидлаганларки, бу ашёни тайёрлашда унинг буюқларига ишқор қўшилади. Бу ишқор, деган ўсимлик бўлиб туманининг кун ботиш томонларига туташ Ашт, Хонобод, Чорқосар даштларида ўсимлик қирқ бўғиндан ошганидан кейингина ҳақиқий этиланган (пишган) ҳисобланади. 10-15 августларда йиғиштириб олинади ва куйдириб, қулига махсус ишлов берилади, сўнг у буюқларга аралаштирилади.

тасвир бўйича сабоқ олдим. Шу билан бир қаторда қулоччилик юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бордим. 2001 ва 2002 йилларда Тошкентдаги амалий санъат музейида шахсий кўргазмалар ташкил этдим. Шахсий ишларимни Италия, Франция, Индонезия ва Туркия каби йирик давлатлардаги кўргазмаларга жўнатдим. Ҳозир бошқарга қулоччилик соҳасидан хунар ўргатайман. Шоғирдларимдан Мансур Элназаров, Илёс Назиров, Ёдгор Жўраев ва Рустам Рискитовларнинг анча қўллари қолди.

Хулоса шунки, Гурумсаройнинг қадимий оламга машҳур мовий керамикасини ривожлантириш, уни тараққий эттириш, бу соҳа мутахассисларини тайёрлаш бўйича хайри ишларни бошлаш вақти етди.

Х.ЭРГАШЕВ, О.ЖУМАНАЗАРОВ

ОДАМЛАР ДАРДИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш касаба уюшмалари фаолиятининг янада ривожланишига мустаҳкам замин яратмоқда. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашининг II пленумида касаба уюшма ташкилотларининг химоя функциясини кучайтиришга, иш бевуричилар фаолиятига талабчанлигини кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

— Шиддат билан янги-лашиб бораётган давр касаба уюшмалари олдида ҳам масъулиятли вазифаларни кўймоқда. Уларни бажариш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир, — дейди Марказий Кенгаш бўлим мудири М.Мурзаева. — Қолаверса, Федерация Кенгашининг IV қурултойи ҳар бир касаба уюшма ташкилоти олдида ўз фаолиятига танқидий қараб ходимлар манфаати, ҳуқуқий ҳимоясини яхшилаш, шунингдек, уюшма аъзолари сонини кўпайтириш вазифасини кўйди. Тармоқ Марказий Кенгашимиз мавқеи



лаб ўтилди. Дарҳақиқат, тармоқ касаба уюшма Марказий Кенгаши «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури талабларини амалга ошириш

сини йўқотган болажонлар Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги энг сўйим оромгоҳларда ёғи таътилни мароқли ўтказиб, соғлиқларини тикладилар.

дан ташқари, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да амалга оширилган ишлар режалаштирилди.

Т.ШЕРНАЕВ, «Ишонч» мухбири

Тадбиркорлик - давр талаби

Республика бўйича бир йилда 4 миллион тонна нефт, 2,5 миллион тонна кондендат, 60 миллиард кубометр газ казиб олинапти. Лекин, ҳамма нарсанинг чеку чегараси бор. Чунки табиий бойликлар беҳисоб эмас. У геологлар ва бургуловчиларнинг машаққатли меҳнати эвазига топилиб, камдада 3 минг метр чуқурликда жойлашган қудуқлардан казиб олинади.

— Бургуловчиларнинг ер қаьрига лойихада кўрсатилган чуқурликка қувур тушириб, қазилма ишларини олиб боришлари бўшлиқда иккита фазо кемасини узоқдан туриб туташтириш билан баробар, — дейди Вазирилар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон нефт маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг вилоят бўлими давлат инспектори А.Мухаммадиев. — Демак нефт ва газ маҳсулотларини тежаб-тергаб ишлашти ҳар бир кишининг инсонийлик бурчидир.

Бундан ташқари, геофизика талабларига кўра қазилма юмушларини узоқ вақт тўхтаб қолиши турли тафотолларга олиб келиши мумкин. «Қашқадария вилояти ва «Бухоропармалашилари» очик ҳиссодорлик жамиятларида 1987-1991 йилларда киритилган, ўз мuddатини ўтаб бўлган бургулаш ускуналаридан фойдаланилмаяпти. «Ўзбекнефтьга» Миллий холдинг компанияси Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикаси билан тузилган шартномага мувофиқ ишлаб чиқаришга автоматлаштирилган замонавий технологияларни жорий этиш йўлидан бормоқда. Россия, Буюк Британия, Хитой, Малайзия сингари давлатларнинг нефт-газ компаниялари билан ҳамкорликда халқ хўжалиғига хорижий инвестициялар жалб этила-япти. Замонавий технологик линиялар ўзбек қончилари ишини энгиллаштирмоқда.

ТАБИЙ БОЙЛИК БЕҲИСОБ ЭМАС

Айни пайтда газ, кондендат ва нефтнинг асосий қисми Қўқудмалок, Қултоқ, Уртабўлоқ, Арниёз, Жанубий Қизилбайроқ, Тошли, Шакарбўлоқ, Маржон, Сарикум, Яқкасарой, Зеварда, Қўшқудук, Алан, Помук, Муборак, Шўртган, Жанубий тандирча, Коратепна, Жанубий кемачи каби йиғирмадан ортик қонлардан казиб олинаёпти. Корхона, ташкилот, муассасаларнинг раҳбарлари, истеъмолчилар ёнидаги ресурсларидан тежамкорлик билан фойдалангандагина мамлакатимиз бойлиғига бойлик қўшган бўламан.

Қиш кунларида хотиржам бўлишимиз, энергетика тизимининг бир маромда ишлаши, узлишларга йўл қўймаслик кўп жиҳатдан истеъмолчиларга ҳам боғлиқ. Талимаржон ГРЭСнинг 800 мегаваттли биринчи энергия блокида ўрнатилган улкан генераторларнинг ҳаракатланиши вилоят ва республикада энергия таъминотини яхшилаш имкониятини яратди. Нурчиларнинг халқ хўжалиғи ва аҳолини узлуксиз электр қуввати билан таъминлаш йўлидаги фидойи меҳнати таҳсинга лойиқ.

Корхона фаолияти билан танишганимизда асосий ишлаб чиқариш цехининг смена устаси Эркин Бердиев, бош жувозчи Азамат Хатамов, бўс қозонлари ишини автоматик бошқариш оператори Азамат Рўзқулловларни ҳар бир жараёнини синчковлик билан қузатиб турганлигининг гувоҳи бўлдим. Буғ қозонлари цехининг бошлиғи Зокир Ражабов, ўт ёқувчи Имом Тоштеммиров, чилангар Дилшод Эргашевлар ёнидаги ва энергияни тежаш сирларини пухта билишадди.

Қўшма корхона бош энергетиги С.Ражаббеовнинг таъкидлашича, янги жиҳозлар ўрнатилмасдан туриб 1 тонна ўсимлик мойи ишлаб чиқариш учун 0,37 тонна шартли ёқилғи ва 2,36 гикакалория иссиқлик энергияси сарфланган бўлса, 2005 йилнинг худди шу даврида мазкур кўрсаткичлар 0,27 тонна ва 1,66 гикакалорияни ташкил этган. Ёнидаги ва иссиқлик энергияси сарфи 30 фоизга камайиб, йиллик иқтисодий самара 77,7 миллион сўмга етган.

Буғ қозонхонасида «Азия Триол инжиниринг» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси томонидан электр токи ўзгарувчанлигини мўтадиллаштирувчи ускуналар ўрнатилди. Компьютерлар ёрдамида бошқариладиган янги тизим жорий этилган. Электр энергияси сарфи соатига 62 киловаттдан 21 киловаттга камайди. Корхона бош мудири И.А.Фарфоронинг маълум қилишича, бир йилда 216 минг 500 киловатт энергия иқтисод қилинади ва ана шу маҳсулотга сарфланган маблағ 6,5 миллион сўмга камайди. 20 та ишлаб чиқариш цехига эга бўлган 460 кишилик жамоада тежамкорликка қатъий амал қилина-япти.

Энергетика тизими иқтисодиётимизнинг қон-томиридир. Шу боис минглаб нурчиларнинг захматли меҳнати эвазига юзага келган энергиядан тежаб-тергаб фойдаланиш учун барча механизмлар қишқи масъулга пухта шайланди. Бундай илгор тажрибалар воҳанинг бошқа санот корхоналарида жорий этилса ҳам энергия тежалиб, ҳам харажатлар камайган бўлур эди.

И.ИСОМУДДИНОВ, «Ишонч» мухбири

ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ТАХТ

Чиноз туманидаги «Таъминотчи пахта» ҳиссодорлик жамиятида қишлоқ хўжалик техникаларининг ҳамisha соз ҳолда ишлашига кўмак берилмоқда. Бунда 120 нафар ишчи-хизматчилар ўз ишига сидқидилдан ёндошиб, жонбозлик билан қилаётган меҳнати асқотаб-тир. Ҳозирда корхона асосан «Магнум» ер ҳайдаш тракторлари ва «Кейс» комбайнларига эҳтиёт қисмлар етказиб бермоқда.

— Ходимларимизнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароит

яратилган, — дейди жамият раҳбари Маҳмуджон Эргашходжаев. — Улар махсус кийим-бош билан таъминланиб, ошхона, ювишвиш ва дам олиш хоналари хизматида фойдаланишмоқда. Бундан ташқари, иссиқ хонамизда этиштирилётган лимон, банан, помидор, бодринг каби тансиқ неъматлар ишчилар дастурхонини безаяпти.

Ахил жамоа йилни яхши кайфият билан муваффақиятли яқунламоқда. Ҳозирданок галла ўрим-йиғими комбайнлари учун бутловчи қисмлар тахт қилиб қўйилди.

МУҚОБИЛ ТЕЗ ЁРДАМ

Келгуси йилнинг дастлабки ойидан бошлаб, Шаҳрихон туманидаги «ХТД» фирмасига қарашли, тез тиббий ёрдамга муқобил бўлган кўча тиббий сервиси педиатр, гинеколог, ортопед мутахассислиги ҳисобига хизмат кўрсатиш турини кенгайтиради.

«ХТД» хусусий фирмасини шифокор Тухтасин Холдоров тузган бўлиб, бир ярим йилдан буён аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Ўтган қисқа вақт мобайнида тез тиббий ёрдам машинаси харид қилинди. Бу ётган бино хусусийлаштирилиб, қариялар, она ва бола ётиб даволанадиган қудуқдаги бўлим ишга туширилди. Хоналар тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

«Туркистон-пресс»

Мана иккинчи йилдирки, чуқурилик қишлоқ хўжалиғи, санот, қурилиш, маийши хизмат қўйингли тўман инфратузилмасини шакллантиришда ҳам вилоятда етакчи ўринлардан бирини эгаллашди. Жумладан, 9-10 йил давомида давлатга пахта сотиш режасини бажара олмайд келган чуқурилик кейинги икки йил мобайнида унинг урдасиндан чиқибди. Буларнинг барчаси туманда хўжалик юртишининг янги усули - фермер хўжалиқларига ўтиш жараёнида бўлаётганлиги қувонарлидир.

Бугунги кунда туманда 1038 та фермер хўжалиғи фаолият кўрсатиб, уларда ишловчилар сони 6029 нафарга етди. Ялли қишлоқ хўжалик маҳсулотлариға нисбатан фермер хўжалиқларининг улуши 14,1 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигидан келадиган дуромаднинг ошши аҳоли фаровонлигининг таъминланшида бош омил бўлмоқда. Шу билан бирга тумандаги

ЧУСТДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, чегара худудларида яшовчи 228 нафар ана шундай оилаларга меҳнат ва аҳолини иш билан банд этиш жамғармасидан қорвачилик билан шуғулланиш учун 140 миллион сўм миқдориди кре-

Ташаббус сўнмасин

дир ажратилди. Тумандаги санот корхоналари фаолиятини яхшилаш ва молиявий соғломлаштириш бўйича қўрилаётган тадбирлар ҳам ишчиликни камайтириш имконини бермоқда.

хонасига 10 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Хар иккала корхонада 35 та янги иш ўрни вужудга келтирилди. «Чуст босмақонаси» МЧЖда Германиянинг типография технологияси ўрнатилиши натижасида 15 киши учун янги иш ўрни яратилди. Бундай имтиёз тумандаги «Пахта толаси» ҳиссодорлик жамиятини ҳам четлаб ўтмади. Корхонанинг қарзи ва пеняси тўлов мuddати ҳукумат қарорига асосан кечиктирилганлиги натижасида иш ўринлари сони 25 тага ортди.

С.АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

Қонун барчага баробар

монидан М. Едгоровнинг меҳнат ҳуқуқлари топалаётганлиги тўғрисидаги аризасти Фарғона вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига юборилди. Шундан сўнг шикоятчининг арз-додаи қуруқ гаплардан иборат эмаслиги маълум бўлди. «Аниқланишича, «Довуд А. С.» хусусий корхонаси маъмурияти билан сининг ўртангазда 2000 йил 2 январ куни 4 йил мuddатли меҳ-

А. С.» маъмурияти томонидан 108-модда талаблари бажарилмаган». Фарғона вилоят тармоқ касаба уюшма вакиллиги ҳуқуқшуносни Ф.Ҳамидовнинг берган маълумотиға қўра, текшириш жараёнида қонунбузилишни бартараф этиш юзасидан хусусий корхона бошлиғи (таъсисчи) Қ.Мазаитов озаки оғоҳландирилган ҳамда худди шу мазмундаги жавоб хати Қўқон шаҳар прокуратурасига ҳам юборилган. Таассуфки, прокуратура томонидан қонунбузилишни бартараф этиш юзасидан автокорхона маъмуриятиға шу пайтгача таъсир қоралари қўрилмаган. Буни шикоятчиға у муурожаат қилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органидан жавоб қайтарилмаганидан ҳам билиш мумкин.

Яна бир бахсли ҳолатта эътиборни қаратсак, Муқимжон Едгоров 2000 йил 2 январда тузилган, деб қайд этилган меҳнат шартномасини журналист суриштируви жараёнида қўриб турганини, ундаги имзо ўзиники эмас, сохта эканини айтмоқда. Хусусий корхона ходимлар бўлими катта муҳандиси Усмонжон Махмудов эса меҳнат шартномасини ўз қўли билан ёзганини рад этмаяпти, лекин имзо М. Едгоровға тегишли эканини таъкидламоқда.

Шундай қилиб, хусусий корхона раҳбарияти вилоят тармоқ касаба уюшма вакиллиги томонидан қўйилган қонуний талабларни бажармаяпти.

Хўш, у ҳолда қонундаги қонунбузилишларга ким барчага берди?

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» махсус мухбири

ШИРИН СЎЗ-ЖОН ОЗИҒИ

Жондор туманининг Қулоччи қишлоғида яшовчи 26 ёшли Зойир Қомилов боладикдан ногирон-обқлари харақатланмайдди. Лекин у қариндош-уруғлар, махалла ахлининг меҳрини ҳис этиб яшайди - Улар Зойирнинг холидан тез-тез хабар олиб туришадди.

Яқинда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бoшқармаси ҳамда туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими вакилларининг ташрифи йигитни янада хурсанд этди. Меҳмонлар унга турли совға-саломлар қатори ичмам ва қулай ногиронлар аравачасини ҳам топширишди. Мана энди, йигит кейинги пайтда анча ноқулайлик туғдира бошлаган қўлтиктабдан воз кечиб, аравача ёрдамида сайрга чика олади.

— Ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз қариялар, умуман меҳр-муруватға эҳтиёжманд инсонлар доимий эътиборини мизда туради, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бoшқармаси бошлиғининг ўринбосари Махмуд Халимов. — Жорий йилнинг ўтган даврида уларнинг 210 нафари ана шундай аравача, 60 киши эшитиш мосламаси ва 68 нафари реабилитация техник воситалари билан таъминланди.

Эътиборли жиҳати — ногиронлар учун Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик томонидан етказиб берилган жиҳозларнинг 60 фоизи вилоятдаги ҳомий ташкилотларнинг молиявий кўмаги ҳисобидан олинди.



ЎЗБЕК ИСТИҚАТ НАФ КЕЛТИРИШ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ



Янги — 2006 йил тинчлик-хотиржамлик, қут-барака ва зафарлар йили бўлсин!

Маъбулияти чекланган жамият шаклидаги

"СПАРТАК СТИЛ" ЎЗБЕК ИСРОИЛ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

*Барча
юртдошларимизни
яқинлашиб
келаётган Янги
йил байрами
билан қизгин
муборакбод
этади.*

ФАХРИЙЛАР, НОГИРОНЛАР

Имтиёз асосида даволанадилар

Жизза вилояти тиббий диагностика Маркази иш бошлаганига ҳеч қанча вақт бўлмаган эса-да, унинг довури ён-атрофдаги вилоятларга ҳам ёйилди. Чунки, илгариги йилларда диагностика текширувдан ўтиши зарур бўлган беморлар бир неча кун вақт сарфлаб олиш пайтахтага бориб келишарди. Энди бунга эҳтиёж қолмади.

— Тиббий кўмакка муҳтож кишиларимизнинг узогини яқин қилишни кўпдан бери ўйлаб юрардик. Ушбу марказнинг очилиши айни мuddао бўлди, - дейди бош шифокор Дилшод Раҳимов. - Эндилда нафақат жиззахликлар, балки Самарқанд, Навоий, Бухорода яшовчи беморлар ҳам бу ерга келиб тиббий диагностика хизматидан баҳраманд бўлишарди. Юқори иш малакасига эга бўлган тажрибали шифокорларни Марказга жалб этганлиги-

миз ўз самарасини берапти. Жарроҳ Исомкул Субхонкулов, невропатолог Мохира Пулатова, лаборатория мудири Мавлуда Самадова, ички касалликлар шифокори Улуғбек Орзикулов ва Гулбахор Кўшалиева,

Дилноза Салимова, Нигора Сайфиева, Гўзал Исқандарова сингари ҳамширалар беморларнинг тезроқ соғайиб, қайноқ хаёт кучоғига қайтишлари йўлида жонқуярлик қилишмоқда. Хадемай бу ерда физиот-

Излаган имкон топар


ерапия хоналарини ҳам очиб ниятимиз бор. Дилшод Раҳимов ёш, изланувчан шифокор. Жарроҳ сифатида беморлар ишончини қозонган бу йигит шифо масканини энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун елиб-югурганлар қаторида бўлди. «Қарийб 250 миллион сўм турадиган компьютерли томографияни Япониядан кел-

тиришга муваффақ бўлдик» дейди у. Айни вақтда Марказда бош мия фаолиятидаги ўзгаришларни аниқлаб берувчи ЭХО (энцефалография), шунингдек фиброгастроскоп, электронце фалография аппаратлари, лаборатория таҳлилларида зарур бўладиган биоанализаторлар ишлаб турибди. Тажрибали шифокор ва ҳамшираларнинг хизматида беморлар мамнун.

Диагностика Маркази қошида махсус маслаҳатхона фаолият юритмоқда. Ўтган мuddао давомида беш мингга яқин беморга тиббий хизмат кўрсатилди. Шунингдек таъкидлаш мумкин, диагностика текширувлар учун белгиланган нарх бошқа жойлардагидан кўра бир-бир ярим баравар арзон. Кекса, ногирон ва кам таъминланган беморларга алоҳида имтиёзлар бор.

Ха, излаган имкон топар, дейдилар. Озода, чиройли ва шарқона услубда қурилган янги бинода жойлашган ушбу диагностика Марказида яратилган жамми қўлайликлар беморларга қўл келмоқда.

Г. ЖАМИЛОВА



Билганга кони фойда

АЛЛОМА ТАВСИЯЛАРИ

Анжир қадимдан халқ таъбаотида жигар, талоқ ва ўпка шомоллашида даво сифатида ишлатилади. Анжирнинг ўзига хос табиати бор. Анжир шинисининг таъсири асалнинг таъсиридан қолишмайди. Анжирдаги озкиллиқнинг кучи дон ва гўштиқидан кам бўлмаса ҳам бошқа ҳамма меваларнинг тўйимлигидан зўрди. Анжирнинг хоми ва баргини хол, сўғал ва буларнинг ҳар хил турларига, доғларга суртилади. Шунингдек, уни ёйилса, касалликлар сабабли бўзилган рангни тўзатади ҳамда чиққонларни пиширади. Анжирнинг ҳўли ва қуруғи тутқаноқ касалига даводир. Анжирни қулоқ ости шишларига қўйиб боғланса ҳам шифодир. Бундан ташқари, ҳўл ва қуруқ анжир томоқ қирилишига ҳамда кўкрак ва ўпка йўлига мос келади. Айниқса, ҳўл анжирни майдаланган бодом билан ёйилса, у юмшатуви ва ёнғил сурувчи ҳисобланади. Анжир меваси таркибида қанд, органик кислоталар, витаминлар, оқсил пектин ва минерал тузлар бўлади. Анжир илмий медицинада ҳам кенг фойдаланилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда анжирнинг қадота, сариқ анжир, қора анжир каби навлари мавжуддир.

қўлланиладиган доривор мева ҳисобланади. Бу ўсимлик халқ таъбаотида кон босими кўтарилган ҳолларда уни пайсатирувчи дори сифатида ишлатилади. Тиббиётда эса витаминлар етишмаслиги сабабли келиб чиқадиган касалликларни даволашда ишлатилади. Лимон шарбати безгак билан оғриган беморнинг иситмасини тушириш, чанқоқни қондиришда фойда беради. Шунингдек, лимон тери касалликларини даволашда ҳам фойдаланилади. Лимоннинг суви рангни тоза қилиб, сепкилни кетказади. Қайнатмаса эса оғиз хидлашишни кетказади ва семиртиради. Пўстини оғизда тутиб турилса ҳам ҳидни кетказади. Пўстини кийимга қўйилса, куя тушишдан сақлайди. Лимоннинг ёғи асабининг бўшашида фойдалидир. Сиқиб олинган суви кўздаги сариқни кетказади, хафаконликни босади. Лимоннинг мураббоси томоққа ва ўпкага даводир. Унинг япроқлари меъда ва

ни тўхтатади. Бошқа меваларга нисбатан дўлана суқюқликларнинг оқшишни тезроқ тўхтатади.

Нордон анорнинг шарбати сафронинг босади ва чиқиндиларнинг ички аъзоларга оқшишни тўхтатади. Анор пўстининг куйдирилгани жароҳатлар учун фойдалидир. Анорнинг нордон-ширини олма ва беҳига қараганда меъда учун фойдалидир. Анорнинг уруғи асал билан биргачи ва қулоқ оғриганда фойда қилади. У бурун ичига суртиладиган дори ҳисобланади. Унинг уруғини янчиб, асал билан истеъмол қилинса оғиз оғриғига фойда. Ширин ва аччиқ анорнинг сувини асал билан қўшиб, бир неча кун офтобга қўйилса, кўздаги хароратга ва кундузи кўрмай қолишига даво. Нордон анор эса кўкрак ва томоқни дағаллаштириши ва ақинча, ширини юмшатади ва кўкракни қувватланди



ички аъзоларни кучли қилади. Қобилини овқатга солса, хазмага ёрдам беради. Лимоннинг қайнатмаса қушишни қолдиради. Лимоннинг олдиндан ва кетидан овқат ёйиш маслаҳат берилмайди.

Жийда меваси ёки унинг дамламаси болаларда учрайдиган ич кетишига қарши, нафас йўллари шомоллаганда, ошқозон-ичак касалликларини даволашда қўлланилади. Жийда ҳар қандай оқаётган нарса ни тўхтатади. Унинг буриштиришида ва ички қотиришда қуввати дўлананиқидан кўпроқдир. Жийда иссиқдан бўлган йўталга ҳам даводир ҳамда қушишни тўхтатади. Жийда кўп сийишга қарши фойдалидир. Жийда ички тўхтатиб, сафродан бўлган ичак шилинишида фойда қилади.

Дўлана - киши толиққанда, уйқузиликда, юрак атрофида оғриқ пайдо бўлганда даводир. Дўлана сафро-

тиради. Уруғини ёмғир суви билан қўшиб ичилса, қон тупуришда фойда. Анорнинг нордони ҳам, ширини ҳам сийдик ҳайдовчидир. Иситмаларни киши анорни овқатлангандан сўнг истеъмол қилиши керак.

Беҳи кўз оғриганда, юқори нафас йўллари шомоллаганда даводир. Беҳи уруғи билан узум шарбатининг қайнатмаса камқонликда, ичбуруғда ишлатилади. Беҳининг суви астамеда фойдали бўлиб, қон туфлашни тўхтатади. Беҳи терни тўхтатади. Унинг ёғи совуқдан ёрилганда фойдалидир. Шунингдек, ёғи буирак ва қовқуқ ҳам фойда қилади. Кўрга кўмиб пиширилган беҳи кўздаги иссиқ шишларга қўйилади. Беҳининг уруғи томоқ қуришида фойда қилади. Овқатдан сўнг ёйилган беҳи ички суради, кўпроқ ёйилса, овқатни ҳам бўлишидан олдинроқ чиқариб юборади.

Дўст борини гапирди

Кейинги йилларда чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт иншоотлари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилмоқда

Тўплар сифати нега паст?

Бу борада Бувайда туманида ҳам ибратли ишлар амалга оширилганлигини кузатиш мумкин. Учта болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, битта ихтисослаштирилган футбол мактаби фаолият кўрсатмоқда. Биргина футбол мактабининг ўзига 435 нафар бола 98 нафар мураббий қўл остида чарм тўп сирларидан воқиф бўлмоқда.

Биринчи сонли БўСМ асосан спортнинг волейбол, юнон-рум кураши, белбоғли кураш турларига ихтисослашган. Мактаб тарбияланувчилари волейбол бўйича Марғилон шаҳрида ўтказилган «Умид ниҳоллари» вилоят босқичида фахрли биринчи ўринни қўлга киритишди. Белбоғли кураш вакилларининг эришган ютуқлари ҳам мактовга сазовор. Бувайдалик С. Абдурасулов, Б. Турғунов ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика биринчилигида голиб чиқди. Ютуқлар саногини ҳали кўп давом эттириш мумкин. Муваффақиятлар замирида эса малакали мураббийларнинг заҳматли меҳнати ётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ю. Раҳмонов, А. Омонов, К. Абдурасулов, Т. Рустамовларнинг шоғирдлари ўз устозлари ўғитларига амал қилиб, муваффақиятга эришмоқдалар.

Давлат умумий дастурига мувофиқ ту-

мандаги 1-умумтаълим мактаби капитал таъмирдан чиқарилиб, янги спорт залига эга бўлди. Бу мактабда таълим олаётган 1570 нафар ўқувчилар тўлиқ спорт жиҳозлари билан таъминланди.

«Барча спорт турлари учун керакли жиҳозларни олдик», дейди жисмоний тарбия кўмуши К. Аҳмедов. «Спортнинг оммавий турлари учун 100 тадан зиёд тўплар келтирилди. Тренажёр залига ҳам барча жиҳозлар ўрнатилди. Бироқ олинган тўпларнинг сифати талабга жавоб берамапти. Улар узоғи билан уч ойгача чидаяпти, холос. Спорт жиҳозлари ишлаб чиқарувчилар шу масалаларга кўпроқ эътибор қаратишса яхши бўларди.

Ҳақиқатдан ҳам тўпларнинг кўпи яроқсиз холга келиб қолганлигини кўрдик. Ҳатто янги баскетбол қоптоғи дами пастлиги туфайли зўрга сакраяпти. Волейбол тўплари эса умуман ўйнаб бўлмайдиган холга келган. Ўқитувчининг таъкидлашича, 18-20 минг сўм сарфланиб, сотиб олинган тўплар базорларда сотилаётган оддий 2-3 минг сўмлик қоптоқларчаки чидаш бераётган экан.

Савол туғилади, ушбу сифатсиз тўпларни ишлаб чиқараётган корхона мутасаддилари буни билишармикан?

З. БОЛТАБОВ,
«Ишонч» мухбири

ПАРИШОНХОТИРЛИК

Маржонбулоқ қонига қатнаб одатлаиб қолган автокорхона ҳайдовчиси Холик амаки диспетчер бўлимида шаҳарга бориб келиш ҳақида кўрсатма олди. У йўл варақасини олган, хаёл билан оdatдaгидек «КамАЗ»ни кон томон бурди. Йўл-йўлакка «Икарус» русумли пассажир автобуси ҳайдовчилари билан қўл силтаб саломлашаркан, бирдан ўзининг шаҳарга йўл варақасини олганлигини эслади. Тўрт-беш қақирим йўл юриб қўйганини шунда билди. У автомашинаси рулини шаҳар томонга қайтарди.

— Бу нима қилганимиз? — сўради ёнида ўтирган шерги.

— Ҳозиргина «Икарус»-дагилар шаҳарга бориш кераклигини ишора қилишди-ку, - деди Холик амаки ҳозиржавоблик билан.

ИККИМИЗ ҲАМ БИР ЭКАНМИЗ

Зиёфатдан сўнг келган меҳмон дам олишга чоғланаркан.

— Маъзур тутасиз, ухлаганимда би-

Ҳаётини ҳангомалар

роз гапирадиган одатим бор, - дейди жиҳолат тортиб.

— Жуда соз, - деди мезбон ҳозиржавоблик билан кафтларини бир-бирига ишқақ.

— Қайтага яхши бўлди, иккимиз тунда зерикмасдан гаплашиб ётарканмиз.


СЕН НИМА ҚИЛИБ ЮРИБСАН

Қўшни Тутли қишлоғида бўлиб ўтган тўйдан танишининг «Жигули»-сида уйига келган Мамаюсуф ширақайф холда бемаҳка ҳовлисига қара олмай, қўшининг деворига суяғлиқ кирвонга хаёл билан ўтириб қолди. Бир маҳал уйдан хотини чиқи сўради:

— Кириб ётсангиз бўлмайдим, дадаси?

— Сен ўзинг Тутли қишлоғида нима қилиб юрибсан? — Шошиб қолган Мамаюсуф ҳам хотинини сўроқлай кетди.

Абдулла САИДОВ



КУЧЛИЛАР ИЧИДА КУЧЛИ

Футбол бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси мавсумини жаҳоннинг кучли аплика жамоаси қаторида якунлади.

Халқаро футбол федерациялари уюшмаси ФИФАнинг янги рейтингиде жаҳон терма жамоаси икк 49 ўринни банд этишди. Уларнинг кўрсаткичлари Осиё миёнақисмида ўзини, МДХ га аъзо давлатлар орасида эса Россия, Украина ва Белорусиядан сўнг туртинчи погонани банд этиб турибди.

Қашқадарё вилояти ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимларининг кенг жамоатчилиги билан ҳамкорликда амалга оширилган савй-харакатлари туфайли турли хилдаги жиноятларнинг олди олинапти.

Шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва маҳаллалар худудларида ўтказилган «Қорадори - 2005» ва «Тозалаш» оммавий тадбирлари туфайли бир қанча жиноятлар пайини қирқишга эришилди. Гиёҳвандлик инсоният олдида турган катта ва долзарб муаммолардан бирига айланганини эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Умр заволи ҳисобланган манфур иллатнинг курбонлари асосан ҳаётга энди кириб келаётган ёшлар эканлиги кишини ташвишга солади.

Гиёҳвандликнинг дастлабки босқинида инсон балои-азим ботқоғига ботиб бораётганлигини ўзи ҳам сезмай қолади. Айни пайтда мўмай даромад орттиришга ружу қўйган айрим кишилар наркотик моддаларни тарқатиб, оғир жиноятга қўл уришарди. Утмишда Шарқ билан Фарбин боғлайдиган Буюк Ипак йўли орқали савдогарлар турли истеъмол молларини олиб ўтиш билан бирга, халқлар ўртасидаги дўстлик, маданий ва иқтисодий алоқа-

ларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишган. Бугунги кунда уша йўналиш бўйлаб баъзи нопок кимсаларнинг қора ниятлари туфайли гиёҳванд моддаларнинг тарқалишига йўл қўйилапти.

Олиб борилган тезкор тадбирларда захри қотилни тарқатишга уринган кишилар ушладни ва улардан гиёҳванд моддалар олиб қўйилиб, йўқ қилинди. 242 квадрат метр майдонда 1292 туп қўқнори ва 334 туп наша ўсимлиги ўстирганлиги аниқланиб, 21 нафар шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Мамакатимизнинг жанубида жойлашган Сурхон ва Қашқа воҳалари Тожикистон ва Афғонистон давлатлари билан чегараланган Афғонистонда тайёрланган захри қотилнинг катта қис-

Гиёҳвандлик — умр заволи

ми жаҳонга МДХ давлатлари орқали ўтади. Вилоят йўл хавфсизлиги бошқармаси йўл патрул хизмати сержанти А. Араловнинг хушёрлиги туфайли Дехқонобод туманининг «Қачак» ИПХ масканида 37 килограмм захри қотил олиб

«ҳисса қўшаётган»лар орасида ёши бир жойга бориб қолган, одамларни бу қабих иллатдан қайтара тушга масъул бўлган кишилар борлиги кишини таажжубга солади. Яқинда Чироқчи туманида яшовчи ёши етмишга яқинлашиб қолган бир нафақакўр ўз уйида 5,1 килограмму марихуана гиёҳванд моддасини сақлаётганлиги аниқланиб, ашвейй далил сифатида олиб қўйилди.

Бир дамлик ҳумор, хузур-ҳаловат ўн гулдан бир гули очилмаган ёшларнинг умрига заволи бўлапти. Гиёҳвандликдан буткул қутилиб, соғлом турмуш тарзига қайтиш инсоннинг ўзига ва атрофидогиларга ҳам боғлиқ. Қишлоқ ва маҳалла йиғинлари фаоллари, ота-оналар, педагоглар, шифокорлар ва бошқа мутаассадди ташкилотлар бир тану бир жон бўлиб вояга етмаган ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини қунайтиришлари, гиёҳванд моддаларнинг тарқалишига йўл қўймаликларни лозим.

И. ТИЛЛАЕВ

ХОТИРА ТУРНИРИ

Плеханов номи Россия иқтисодий академиясининг Тошкент филиалида янги йил байрами арафасида аъъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган шохмот турнири бўлиб ўтди.

Унда юртимизнинг танкили шоир ва ёзувчилари билан бирга талабалар ҳам ўзаро донна сурди. Бу йилги мусобақа атоқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофидинов хотирасига бағишланди. Айнан Озод Шарофидинов биринчи бўлиб ўтказилган турнирда галабага эришиб, мусобақа илк соvrинини қўлга киритган эди. Иккинчи бўлиб ўтказилган ушбу турнирда галаба қозонган шохмотчида оdatдaгидек олтин от соврини топширилди. Бундан ташқари галабага бўлган интилиш ва энг чиройли ўйин каби йўналишлар бўйича ҳам иштирокчилар тақдирланди.

«Туркистон-пресс»

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва сақидиланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 7203 Буюртма Г— 216

E-mail: ishonch@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Қасаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Масъул: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.10